



Электрон газетанинг QR кодиди ўзингизга юклаб олинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Осиеда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитининг барча иштирокчиларини самимий кутлашдан мамнунман. Учрашувимизни юқори савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президентини ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан. Шунингдек, Кенгаш фаолияти юзасидан бугун бу ерда билдирилган баҳоларни ҳам маъқуллайман.

Утган давр давомида ушбу тузилма хавфсизликни таъминлаш, Осиеда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг ва очиқ мулоқот учун муҳим майдон сифатида ўзининг гоят зарур эканини кўрсатди.

Форумимизни трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма фаолиятда иштирок этишга тайёрлигимизни билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бугун биз халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ортиб, мулоқот ва ишончнинг мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказмоқда. Мажбуриятнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли узилишларга олиб келмоқда.

Юзага келган янги геосийосий воқелик бутун Осие қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осие давлатларига ҳам тўғридан-тўғри даҳл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг сазъ-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда.

Ушбу омилларнинг умумий хавфсизлик борасидаги манфаатларга, тараққиёт ва фаровонлигимизга таъсирдан келиб чиқиб, куйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз зарур.

Биринчидан. Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

Афсуски, бошқа ўтқи халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Утмишда ушбу давлат амалда халқаро террорчилик маконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такорланшига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий ва мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишимиз зарур. Афғон муаммоси юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида Афғонистон ҳукумати билан томонларнинг ўз мажбуриятларини босқичма-босқич бажаришига қаратилган алгоритм, яъни тартиб-қоида ишлаб чиқиш ва келишиш лозим. Бунинг учун юқори даражада халқаро музокаралар олиб борадиган гуруҳни шакллантириш ҳақидаги ташаббус ифода этилган Осие мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига биргаликдаги мурожаатида муҳим бўлган имкониятларни кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Иккинчидан. Биз радикал ғояларнинг кенг хуружга янада кўпроқ тўқнаш келмоқдамиз. Бугунги кунлар тарғибот ва мафкуравий таъсирнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда, экстремистик ташкилотларга ёшларни фаол жалб этмоқда. Шу муносабат билан ёш авлодини радикализмдан асраш, уларнинг куч-ғайрати ва азму шижоатини бунёдкорлик сари йўналтириш учун тизимли ҳамкорликни ўрнатилишимиз керак. Ўйил-қизларимиз



ўз кучига ишониши, адолатли келажакни қарор топтиришдаги ўз иштирокини ҳис этиши, салоҳият ва орзу-умидларини амалда рўёбга чиқариш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Мажлисимизнинг Ёшлар кенгаши ҳамраиси сифатида турли ёшдаги инсонлар ўртасида бир-бирини яхшироқ тушунишга даъват этадиган, фарзандларимизнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим излашга кўмаклашадиган янги форматдаги фаолиятни — авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни таклиф этамиз. Бундай илк учрашувни Ёш етакчилар форуми доирасида 2023 йил апрель ойида Самарқандда ўтказишга тайёрмиз.

Учинчидан. Бугунги учрашувимиз кун тартибдаги муҳим масала — иқтисодиётларимизнинг глобал инқирознинг кучайиб бораётган салбий оқибатларига мослашувидан иборатдир.

Бу борада протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган омилларни, жумладан, янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик; Осие қитъасида ўзаро боғлиқлиқни биринчи галда ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осие Жанубий ва Шарқий Осие, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғладиган транспорт йўлакларини яратиш ҳисобидан кучайтириш муҳимдир.

Тўртинчидан. Жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини ривожлантириш барқарор тараққиётга қарши қаратилган таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Инновациялар трансфери соҳасидаги салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, “булутли” технологиялар, сунъий интеллект, “бюмлар Интернет”ни ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу йўналишларда Осие мамлакатлари глобал даражада етакчи бўлишга биргаликда эришиш учун барча имкониятларга эгадир.

Бешинчидан. Қитъамизнинг кўплаб давлатлари истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади ва озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини жуда ўткир ҳис этмоқда.

Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, очликдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осие қитъасида яшамоқда. Парадокс шундан иборатки, бир вақтнинг ўзид

айнан бизнинг мамлакатларимиз жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади.

Шу муносабат билан бугунги кунда куйидаги йўналишларда янги ёндашувлар, айниқса, зарурдир. Булар озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо-сотиқнинг ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиеда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича ахлит тизим яратишдан иборат.

Ушбу барча масалаларни ФАО шафелигидан келгуси йили Ўзбекистонда бўлиб ўтadиган халқаро конференцияда муҳокама қилишни таклиф этаман.

Олтинчидан. Экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун сазъ-ҳаракатларимизни бирлаштиришни ҳамда мамлакатларимизни жадал кўкалам-зорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича “Яшил Осие” концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслаҳатлашувларини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Ишончим комилки, замонавий таҳдидларни фақатгина мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам биз илгари сурган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик борасидаги Самарқанд ташаббусларининг асосий мақсади инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, тотувлик ва биргаликда тараққиётга эришиш учун интилаётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилгандир.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Саммит иштирокчилари!

Биз Қозоғистоннинг Кенгашига 2024 йилга қадар раислиқни давом эттириш ҳақидаги истагини қўллаб-қувватлаймиз ва қозғистонлик дўстларимизга омадлар тилаймиз.

Ишончим комил, шериклик ва ишонччи мустаҳкамлаган ҳолда, умумий интилишларимиз билан биз эзгу мақсадларга — мамлакатларимиз тинчлиги, барқарорлиги ва раванқини таъминлашга эришамиз. Эътиборингиз учун раҳмат.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

СЕНАТ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЯДИ



Конституциянинг 80-моддаси Олий Мажлис Сенатининг ваколатларига оид бўлиб, Конституциявий ислохотлар доирасида киритилаётган ўзгартиришларда мазкур тузилманинг мансабдор шахсларни лавозимига сайлаш жараёнидаги ваколатларини кенгайтириш белгиланмоқда.

Шуҳрат ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Бугунги кунда Ҳисоб палатасининг раисини лавозимига тайинлаш ва озод этиш масаласи Президент фармонида асосан амалга оширилади. Киритилаётган ўзгартиришлар эса Сенат томонидан Президент тақдимномасига асосан Ҳисоб палатаси раисини сайлаш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини лавозимига тайинлаш тўғрисидаги Президент фармони тасдиқлаш масаласини ҳам Сенатнинг ваколатига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Бу жараёнлар, албатта, Сенатнинг давлат бошқарувида ваколатларини кенгайтириш билан бир қаторда парламент халқ вакилларидан иборат эканлиги, давлат бошқаруви органини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг бевосита эътибори, балки вакиллари орқали бевосита иштирокини кенгайтираётганидан далolat.

Хорижий тажрибани ўрганиб кўрганимизда ҳам айнан парламентнинг давлат бошқаруви раҳбарларини сайлашда, ҳукуматни шакллантиришдаги роли кенглигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли ҳам бугунги кунда Сенат томонидан мансабдор шахсларни сайлаш ваколатларининг кенгайтирилаётганлиги парламентга қўшимча масъулият бериши билан бир қаторда, шу соҳа бўйича жавобгарликни ҳам оширади.

Энди Сенат нафақат раҳбарни лавозимига тайинлаши, балки унинг ҳисобдорлигини таъминлаши, шу соҳадаги камчиликларни парламент назорати тартибиде кўриб чиқиб, баргараф этиш чораларини кўриб бориши, соҳани тартибга солиши, соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг янада кенгроқ таъминланишига эътибор қаратиши лозим бўлади. Бу эса Сенатга қўшимча ваколат ҳамда қўшимча масъулият юклайди.

Муносабат

“Мурожаатчилар НОГИРОНМИ ёки РАҲБАРЛАР?”

Шу кунларда юртимиз ижтимоий тармоқларида тарқалган Сарийосиё тумани «Шарқ юлдузи» маҳалласидаги намунавий йўларда истиқомат қилаётган ногиронлар «Худудгазтаъминот» Сурхондарё филиалини ёлғон маълумот тарқатишида айбалаётганлиги хусусидаги «Мурожаатчилар ногиронми ёки раҳбарлар?» сарлавҳаси остидаги видеоёзув кенг муҳокама-ларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур видеоёзувда табиий газ ўтказилмаган хонадонларда истиқомат қилаётган ногиронлар оқват пиширишда газ баллон, уйни иситиш учун эса кўмирдан фойдаланиш қийинчиликлар туғдираётганлигини таъкидлаб, уларнинг мурожаатларини ҳеч ким тингламаётганлигини, аризалари ёлғон маълумотлар билан ёпиб юборилаётганлигини айтишган.

Шу асосда халқ депутатлари Сарийосиё тумани Кенгаши депутати Қумридин Насриддинов ҳамда партиянинг Сарийосиё тумани кенгаши фаоллари томонидан тумандаги «Шарқ юлдузи» МФЙда жойлашган Ногиронлар шаҳарчасида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг мурожаати ўрганилди.

Ишчи гуруҳ мазкур масалани ўрганиш учун видеоурожаат йўлаган Матлуба Бўтаева хонадонига бориб, унинг яшаш шaroити ва муаммолари билан яқиндан таниди. М.Бўтаева суҳбат давомида ўзи яшаб турган хонадон таъмирталаблиги ҳамда ишсизлик муаммосидан қутилишда ёрдам сўради, шунингдек, маҳаллада яшовчи ногиронлиги бор фуқароларни табиий газ муаммоси қийнаётганлигини айтиб ўтди. Депу-



тимиз муаммоларни батафсил ўрганиб чиққанида, ҳақиқатдан ҳам ушбу фуқаронинг яшаб турган хонадон таъмирталаблиги, ўзи иш билан таъминланмаганлиги, маҳаллага табиий газ етиб келмаганлиги аниқланди.


Ўрганишлар чоғида мазкур маҳаллада яшовчи ногиронлиги бор фуқаролар Марҳабо Сатторова, Азамат Қикматов, Обид Тураев, Муҳаррам Шеровалар томонидан ҳам шаҳарчадаги электр таянч нуқталарига ёритқич қўйиш, худуддаги чиқинди тўкиш яшиқларини ўз вақтида алмаштириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тўпланган маълумотлар асосида халқ депутатлари Сарийосиё тумани Кенгаши депутати Қ.Насриддинов муаммоларга ечим топиш учун «Худудгаз» тумани бўлими ва бошқа тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборди ҳамда мазкур муаммолар ечимини назоратга олди.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Она тили бор экан, миллат барҳаёт

Латвияда давлат тилини билмаган оддий фуқаролар ҳам жаримага тортилар экан. У ерда давлат тилини билмаган инсоннинг ишлаши, тўловларни тўлаши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши имконсиз экан. Шунинг ҳисобига Латвия аҳолиси орасида давлат тилини билмайдиганлар атиги тўрт фоизни ташкил этар экан.



УСТОЗГА МУНОСАБАТ ШУМИ?



Ахир, биродарлар, ёмон иллат юкмули бўлади. Бирники ўнга, ўнники туманга... Бугун сувдан қуруқ чиккан “қахрамонча” ортидан лак-лак “тақлидчи қахрамончалар” чиқиб келмайди, деб ким кафолат бера олади? Ё ўшандаям педагогик жамоаларнинг масъулиятини ошириб, ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриб юраверасизларми?..

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ИШТИРОКИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Конституциянинг бир қатор моддаларига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда аҳоли иштирокини кучайтиришга қаратилган янги қондилар киритилиши тақдирга эҳтишом.

Аслида фуқаролик жамияти институтларининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

Адлия вазирлиги ҳузурдаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ходими Анвар ЭМИНОВ шу каби саволларга жавоб беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги bosқичида фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ва сиёсий фаолиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Конституциявий қонун лойиҳасида ҳам Асосий қонунимизга фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида аҳолининг турли қатламлари иштирокини кучайтиришга қаратилган бир қатор янги қондилар киритилиши назарда тутилган. Жумладан, Конституциянинг 56-моддасига давлатнинг фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилган вазифаларини белгилаш тақдирга эҳтишом.

Аслида фуқаролик жамияти институтларининг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

Қўллаб-қувватлаш давлатлари амалиётида бўлганидек, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, хайрия ва диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг асосий ташкил этиди.

Фуқаролик жамиятисиз замонавий давлатчиликни тасаввур қилиш мумкин эмас. Кучли фуқаролик жамияти демократик давлатнинг муҳим белгиси бўлиб, аҳоли турли қатламлари манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконини

беради. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 2017 йилги ҳисоботида фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш, камбағалликни қисқартириш, глобал оқликнинг олдини олиш каби муаммоларни ҳал этишда муҳим восита сифатида эътироф этилган. Чунки ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари катта салоҳиятга эга.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ривожланган давлатларнинг 3-9 фоизгача янги ички маҳсулотига фуқаролик жамияти институтлари томонидан яратилади. Масалан, бу кўрсаткич АКШ ва Бельгияда 5, Канадада деярли 8 фоизни ташкил этади.

Европа Иттифоқи давлатларида меҳнат қобилиятига эга аҳолининг 5-15 фоизи «Учинчи тармоқ» деб аталадиган фуқаролик жамияти институтларида фаолият юритади. Бугун ижтимоий йўналишларга жамоат ташкилотлари томонидан давлат ташкилотларига нисбатан уч баробар кўпроқ инвестициялар жалб қилинади. Фуқаролик жамияти вакилларининг 60 фоизи ижтимоий ҳимоя ва тиббий ёрдам, шунингдек, таълим соҳаларида хизмат кўрсатади.

Сўнгги йилларда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг янги даври бошланди, деб айтишимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида замонавий демократик талабларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база такомил-

лаштирилди, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавқеини кучайтириш, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтиришга қаратилган ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти фармони билан тасдиқланган 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2025 йилда 1,8 бараварга ошириш ва ажратилган маблағ миқдорини 70 миллиард сўмга етказиш вазифаси белги-ланган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва таълим соҳаларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жамоатчилик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг қайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Фуқароларнинг «Очиқ бюджет» жараёнидаги иштироки БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган камбағалликни қисқартириш, гендер тенглигига эришиш, тенгсизликни қисқартириш сингари вазифаларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўл-моқда.

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари сони ошиб, уларнинг турли соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда иштироки кучайиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, 2016 йили мамлакатимизда 8700 та нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони 10300 дан ошган, 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида 547 та

жамоат ташкилоти рўйхатга олинган.

Мисоллардан кўриниб турганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда.

Шу муносабат билан амалдаги Конституциямиз қабул қилинган даврда юртимизда атиги 95 та жамоат ташкилоти фаолият юритган. Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида асосий эътибор миллий давлатчиликни шакллантириш, жамиятда барқарорликни сақлаш, турли соҳалардаги жараёнлар устидан давлат назоратини ўрнатил, шу орқали долзарб муаммоларни ечишга қаратилган эди, чунки давр тақозоси шунга талаб қилган.

Бироқ, фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаган бундай шароитларда давлат назоратининг бир томонлама кучайиши ижтимоий-иқтисодий жараёнларга давлат органлари аралашувининг кенгайиб бориши, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари билан жамоатчилик ўртасида конструктив мулоқотнинг йўқолиши сингари бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаргани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бундай шароитда давлат фуқаролик жамияти фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифасини ўз зиммасига олиш имко-нига эга эмас эди.

Бугунга келиб фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида эришилган ижобий натижаларни Конституция даражасида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш имкони-ятлари юзага келди, бу эса, ўз навбатида, истиқболдаги юксак мақсадларга эришиш учун ишончли ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтади. Энг муҳими, уларнинг фаолиятини субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш тизимини янада та-комиллаштиришга хизмат қилади.

Шухрат НЕЪМАТОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Худудлардан хабарлар

«Адолат» СДПнинг Сайловди дастурида белгиланган вазифалар халқ манфаати ва фаровон турмушига қаратилганлиги билан аҳамият-ли. Ўз ўрнида нафақат партия фаоллари, балки депутатлик кор-пуслари ҳам адолатли жамият куриш тарафдори сифатида, инсон меҳнатини кадрлаган ҳолда дастуримизда белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга оширишга масъулият билан ёндашиб келмоқда.

Муаммолар

ЕЧИМ ТОПМОҚДА



Расул ҚУДИЯРОВ,
Нукус шаҳар кенгаши раиси

Аҳолига кўмаклишиш йўлида астойдил енг шимарган «Адолат» СДПдан сайланган халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Султамурат Уразбаев ўз сайлов худудидида жойлашган «Ата макан» маҳалла фуқаролар йиғи-нида бўлиб, 28-сонли умумтаълим мактаби ва 53-сонли мактабгача таълим ташкилотининг киши мавсумга тайёргарлик ишлари билан танишди. Учрашув давомида депутат таълим муассасаларининг қозонхоналарини кўздан кечи-риб, масъулларга тегишли тавсиялар берди.

Бундан аввал ушбу маҳалла фуқаролари депутатга «Даўит ата» кўча-сини асфальт қилишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишган эди. Де-путат тегишли соҳа вакиллари ва масъулларни жалб қилинган ҳолда соҳа-ловчиларнинг мурожаатига ижобий ечим топишга эришди. Бугунги кунда асфальтлаш ишларини «Каратаў» йўллардан фойдаланиш унитар корхона-си олиб бормоқда.

Депутатнинг аҳоли билан ўтказган мулоқотлари чоғида фуқароларни кий-наб келаётган айрим муаммолар ечимини топмоқда. Натижада сайловчилар депутатнинг иш фаолиятидан мамнун бўлишмоқда.

Сизни қандай муаммо қийнамоқда?

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Иброҳимжон Мирзиёев сайловчилар билан ишлашда уларнинг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Сизни қандай муаммо қийна-моқда?» деб турган халқ вакилига фуқароларнинг ишончи ортмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

Андижон шаҳридаги «Соғлом авлод» МФЙ аҳолиси билан ўтказилган давра суҳбати бир қатор муаммолар ечимига йўл очди. Дастлаб давлатимизнинг бу-гунги сиёсати, инсон омилига бўлган эътибор ва яратилаётган қулайликлар ҳақида сўз юритилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбир давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммоларни ҳам тилга олишди. Жумладан, фуқаро Нарғизахон Абдуллаева олий таълим олиш иста-гида эканлиги, бироқ институтда шартнома асосида ўқиш учун маблағ масала-сида қийналаётганини билдирди. Депутат аралашуви билан масала шу жой-нинг ўзида ечимини топди. Н.Абдуллаевага таълим кредити ажратилди.

Фуқаро Абдумажид Туланбоев — ёш тадбиркор. Бироқ маблағи йўқлиги са-баб фаолияти тўхтаб қолди. Унга 10 миллион сўм кредит ажратилди. Тадбир-кор ўз фаолиятини бошлади.

Сизни қандай муаммо қийнамоқда? Агар шундай бўлса, сиз ҳам ўз вақтин-гиз билан боғлангиз.

24 фуқарога СУБСИДИЯ БЕРИЛДИ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги «Адолат» СДП депу-татлик гуруҳи аъзолари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, му-аммоларини ўз вақтида ҳал этиш учун зарур чора-тадбирларни кўриша-япти. Шу туфайли ҳам депутатлик гуруҳига фуқаролардан турли масала-ларда мурожаатлар келиб тушмоқда.

Комил САХАТОВ,
Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби



Яқинда депутат Қўили Нарзуллаева Миршикор туманидаги «Помук» маҳал-ласида истикомат қилувчи 24 нафар фуқаро уй-жой учун субсидия олиш ма-саласи муаммо бўлаётгани юзасидан мурожаат қилди. Депутатнинг тезкор саъй-ҳаракати туфайли фуқароларнинг арзи маҳалла ва оилани қўллаб-қув-ватлаш бўлими ҳамкорлигида ижобий ечим топди.

Дарвоқе, депутатимиз айни пайтда «Темир дафтар»да турган 16 нафар фуқарога доимий ёрдам кўрсатиб келаёпти. Саховатпеша депутат Қўили Нар-зуллаев яқинда 50 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ижти-моий кўмакка муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

Сирдарёдан мактублар

МАҲАЛЛАМИЗГА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ!



«Янги Сирдарё», «Новая Сырдарья» газеталари бош муҳаррири, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Муҳаммад ИСМОИЛОВГА

Жорий йилнинг июнь ойида Сизга мактуб орқали мурожаат қилиб, Янгиер шаҳридаги «Наврўзобод» маҳалласида ичимлик суви муаммо-сини ҳал қилишда ёрдам сўраган эдик. Бизнес аризамизга бош муҳар-рир ва депутат сифатида алоҳида эътибор билан ёндашган ҳолда маҳалламизга келиб, махсус муҳбирлар иштирокида мавжуд муаммо-ларнинг сабабларини изчиллик билан ўрганишимиз жараёнида шаҳар ҳокимлиги ва «Сувоқева» ташкилоти вакиллари билан мулоқотда бў-либ, муаммони ижобий ҳал қилишга астойдил қиршиган эдингиз. Шун-дан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жанибековани бу ишга жалб этгандингиз.

Ушбу таширфдан кейин «Янги Сирдарё» газетасининг жорий йилги 24-сонидида Ҳасан Абдувоҳидов қаламига мансуб «Бири ундай деди, бири бундай деди...», «Новая Сырдарья» газетасининг 24-сонидида Тўлқин Аҳ-мадалиев имзоси билан «И где эта светлая голова?» сарлавҳали мақо-лалар chop этилди ва ҳар икки мақола маҳалламизда қизгин муҳокама қилинди.

Орадан маълум муддат ўтгач, маҳалламизга ичимлик суви келтириш учун ҳокимият ва «Сувоқева» ташкилотига мутахассис-лари, маҳалламиз раиси Илёс Абдураҳмонов ҳаракатга тушди-лар.

Ҳозирги кунда «Наврўзобод» аҳолиси ичимлик суви билан баҳраманд бў-лишяпти. Биз — маҳалла аҳолиси Сиздек фидойи ва жонур депутат-дан беҳад миннатдоримиз. Бундан кейинги эзгу ишларингизга ривож тилаймиз.

Эътиром билан маҳалла аҳолиси номидан
нафақадаги меҳнат фахрийлари:

Абдуқул МАМАТОВ, Неймат БЕГМАТОВ, Норбўта ЖўРАҚУЛОВ,
Рўзиқул БОЙБЎТАЕВ, Аҳмад ЭРҒАШЕВ

Сайёр ТИББИЙ КЎРИК

«Адолат» СДП Сайхунобод туман кенгаши томонидан оғир аҳволдаги бе-морлардан хабар олиниб, уларга малакавий тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, Сайхунобод тумани «Гулбўлоқ» МФИда яшовчи 1-гуруҳ но-гирони, 1944 йилда туғилган Иқбол Алимова, 2-гуруҳ ногирони, 1961 йилда туғилган Каромат Худойбердиевалар Сайхунобод туман тиббиёт бирлаш-маси патронаж бригадаси томонидан ўз хонадонларида замонавий тиббий анжомлар қўлланилган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилиб, керакли тавсия-лар берилди.



Тиббий кўрик доирасида маҳалла аҳолисининг тиббий-ижтимоий муам-молари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, шифокорлар томонидан турли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, фуқароларнинг тиббий са-водхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича суҳ-батлар ўтказилди.

Дарҳақиқат, касалликнинг олдини олиш оила учун ҳам, жамият учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боисдан мамлакатимизда профилак-тик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Партиямиз фаол-лари жойларда аҳоли соғлигини сақлаш учун ўзларининг ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутатлари – Файзулло Мирзаев, Отабек Холиқов, Озодахон Дадажонова, Назиржон Исақовнинг фуқаролар билан тизимли мулоқоти ўз самарасини бермоқда. Улар барча мурожаатларга ижобий ечим топиш учун бор имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.



Депутатлар "Оқтепа" МФЙда "фуқаробай" ўрганиш ишларини олиб бориб, аҳолининг ижтимоий ҳолати билан танишди. Ўрганишлар давомида мазкур маҳалланинг "Гулшан" кўчасида истиқомат қилувчи С.Тошматова хонадонидан бўлиб, дарахтдан йиқилиш оқибатида касалланган фарзанди ҳолидан хабар олинди. Депутатлар томондан болажоннинг даволаши учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 3 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Отабек Холиқов эса "Оксалиш" МФЙда истиқомат қилувчи Ўғилой Жумаева хонадонидан ичимлик суви бўйича муаммо борлигини билгач, ёрдамни аямади. Депутат ўз ҳисобидан 40 метр масофада ичимлик суви тармоғи тортиб берилишини таъминлади. Хонадонга ичимлик суви келгач, онахоннинг қувончдан юзлари ёришди, кўллари дуога очилди.

– Ҳар кун кўчадан сув ташиб келардим, – дейди Ўғилой Жумаева. – Бу юмуш гоҳида мени

жудда толиқтирарди. Энди обиҳаётнинг ўзи хонадонимга кириб келди. "Сув келтирган элда азиз" дейдилар. Мен учун депутатимиз жуда саовбли ишга қўл урди.

Туманинг "Ямбароқ" МФЙда истиқомат қилувчи Т.Ж. ноғиронлиги, онасининг касаллиги туфайли парваришига муҳтож бўлиб қолганлиги сабабли моддий ёрдам сўраб, мурожаат қилди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутатлари маҳалла раиси, ҳудуд ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла фаоллари билан биргаликда мазкур оила шароити билан танишдилар. Ўрганиш натижалари туман Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилиб, Кенгаш қарорига асосан "Саховат ва кўмак" жамғармасидан бу оилга 3 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Шунингдек, «Оқбилал» МФЙнинг "Садо" кўчаси аҳоли қатнови учун талаб даражасида эмасди. Айниқса, ёғингарчилик мавсумида сувларнинг тўпланиб қолиши, лойгарчилик анчагина ташвиш туғдирарди. Мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар кўчани асфальтлаштириш юзасидан мурожаат қилишди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутати Аҳроббек Эркабобов аҳоли хоҳиш-истаклари асосида «Очиқ бюджет» лойиҳасига кўчани асфальтлаштириш учун киритган ташаббуси фуқароларнинг қўллаб-қувватлаши билан кўп овоз олди ва зарур амалий ишлар олиб борилди. Ҳозирда мазкур кўча равон ва фуқаролар учун қулай йўлга айлантирилган.

Депутатлар байрам тадбирларида

ларида «Янги аср» МФЙдаги «Келажак ва бахт» оилавий болалар уйи тарбияланувчиларидан тез-тез хабар олиб туришади. Уларга эсдалик совғалари, турли ўқув қуроллари топширилади. Ҳомийлик тадбирлари ҳам депутатларнинг доимий иштироки ва амалий кўмаги билан янада файзли ўтади. Яқинда туманинг "Аввал" қишлоғидаги 10 нафар болажоннинг хатна тўйига ҳам депутатлар қимматбаҳо совғаларини тақдим этишди.

Бугунги кунда Фарғона тумани аҳолиси депутатларимиз фаолиятини чин дилдан эътироф этишади. Энг муҳими эса депутат ва сайловчи ўртасида бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда.

Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

Худудлардан хабарлар

Йўл қурган элда азиз

Достон ЗОКИРОВ,
Жиззах вилоят кенгаши бош мутахассиси

Мамлакатимиз таракқиётида, шаҳару қишлоқларимиз раванқ топишида йўлларнинг ободлиги, уларнинг замонавий талаблар даражасида барпо этилганлиги алоҳида ўрин тутади. Қолаверса, маҳаллалардаги катта-кичик кўчаларнинг ободлиги ва равонлиги аҳоли манфаатлари учун хизмат қилади. Шу сабабли халқимиз азал-азалдан йўлларга алоҳида эътибор билан қараб келган.

Халқ депутатлари Зомин туман Кенгаши депутати Акрам Худойназаров ҳам ўзи сайланган ҳудуддаги носоз йўлларнинг таъмирланишига ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Зомин туманидаги "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини буйлаб ўтган йўллар неча йилдирки таъмирталаб. Кўчалардаги носозликлар автомашиналар ва фуқаролар ҳаракатланиши учун ноқулайликлар туғдириб келаётган эди.

Депутат Акрам Худойназаров мурожаатига асосан, депутат томонидан ҳомий — хусусий тадбиркор Қаҳрамон Ўраловни жалб қилган ҳолда "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Шижоат" кўчасининг 1 километр қисми асфальт қилинди.

Қолаверса, мазкур маҳалладаги "Олмабоб" ва "Тонг юлдузи" кўчаларида яшовчи 157 хўжалик, яъни 1200 дан ортиқ фуқаролар тоза ичимлик суви етишмаслигидан қийналишарди. Депутат ташаббуси билан мазкур кўчаларга сув қувури ўтказилди.



Депутат ҳудуддаги фуқароларни ўйлантираётган муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Баъзан у ёки бу мутасадди ташкилот билан боғлиқ муаммо чиқиб қолса, фуқаролар, албатта, депутатга мурожаат қилишади ва у доим ўз сайловчиларига ёрдам кўрсатишда. Яқиндагина депутатимиз томонидан ҳомийларни жалб қилган ҳолда маҳалладаги "Фидойи" кўчасининг 500 метр қисми шағал билан текисланиб, асфальт ётқизилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Дарҳақиқат, халқнинг ишончли вакили бўлишнинг ҳам ўзига хос масъулияти ва мажбурияти бор. Уларни виждонан бажарган депутатларгина халқ эъзозига ва ҳурматиغا сазовор бўлишади.

«Обод юрт»ликлар қувончига қувонч қўшилди

Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгашига "Адолат" СДПдан сайланган депутат Соҳибқаримовнинг ўтган давр давомида амалга оширган ишлари эътиборга сазовор.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Худудларни ободонлаштириш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар ҳолдан хабар олиш, боқувчисини йўқотган ва ноғиронлиги бор шахсларга моддий, молиявий ва маънавий кўмаклашиш сингари савоб ва хайрли ишлар замирида миллатимизга хос инсоний фазилатлар мужассам. Таъмирталаб, ёзда чанг, қишда эса лой йўлларни эпаккага келтириш жонқар депутат С.Каримбердиевнинг доимий режасида бўлиб, ушбу йўналишдаги ишларда ҳам ўтган давр мобайнида муайян натижаларга эришилди.

Бандихон туманидаги "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли «Обод юрт» кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар қувончига қувонч қўшилди. Фаол депутатнинг сазой-ҳаракати билан ушбу ҳудуддаги таъмирталаб бўлиб қолган 700 метрдан ортиқ масофадаги йўл бетон қилиниб, кунига юзлаб одамлар қатнайдиغان йўл янгича қиёфа касб этди. Худудда яшовчи аҳоли бу қулайликдан жуда мамнун.



Шерзод Нурқулов, Бандихон туман кенгаши раиси:

— Жорий йил бошида депутатга "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролардан мазкур маҳаллада жойлашган мактаб атрофидаги йўллар таъмирталаб аҳолига келиб қолгани, бу эса йўловчилар ва мактабга борувчи ўқувчилар учун қийинчилик туғдираётгани ҳақида мурожаат келиб тушган эди. Халқнинг ишончли вакили мазкур масала юзасидан депутатлик сўрови билан "Йўлқурилиш" бошқармаси туман бўлимига мурожаат билан чиқди. Депутатнинг жонбозлиги, ҳаракатчанлиги сабабли муаммо тез орада ижобий ечим топди, ҳудуддаги йўл сифатли таъмирланди.

Депутат амалий ишлари билан аҳоли муаммоларига ижобий ечим топишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ўз-ўзидан сайловчиларнинг ўз депутатларига бўлган ишончларини янада мустаҳкамламоқда.

Депутатлик гуруҳларида

ЁШЛАР МУАММОДАН ХОЛИ ЯШАШИ КЕРАК

Кейинги беш-олти йилда республикада ёшлар масаласига бўлган эътибор янада орди. Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистонни ёшлар билан қуриш йўлидаги ташаббуси келажак авлод билан ишлашда масъулиятимизни оширди. Айтиш мумкинки, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Барнохон БОЗОРОВА,
Жалақудуқ туман кенгаши раиси

Халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам йил бошида "Ёшлар муаммодан холи яшаши керак!" деган шиор билан чиқди. Айни шу мақсадда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда йигит-қизларнинг таълим олиши, уларни касбга йўналтириш, бўш вақтларнинг мазмунли ташкил этилиши ўрганилди. Бунда тарбияси оғир ёшлар ва жанжалкаш оилаларнинг фарзандлари алоҳида назоратга олинди.

Ёшлар билан ишловчи ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирлар ва ўрганишлар асосида уларнинг ичига кириб борилди. Айниқса, "Адолат" СДПнинг "Батан келажиги ёшлар қўлида" лойиҳаси асосида ташкил этилган тадбирлар уларни ватанпарварликка чақирди, иқтидорли ёшларнинг қизиқишларини оширди.

Таъкидлаганимиздек, ёшларни қийнаётган муаммоларнинг ечимини топиш – депутатларнинг

бош мақсади. Биргина депутат Маликашон Абдуллаева томонидан йилнинг ўтган даврида ёшлар билан боғлиқ 30 дан ортиқ муаммо ҳал этилгани қувонарли.

Энг оғриқли масала – ишсизлик. М.Абдуллаева ҳам МФЙларда биринчи навбатда шу масалани ўрганди. Депутат кўмагида вақтинча ишсиз йигит-қизларнинг 14 нафари бандлиги таъминланди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари бўлган 16 нафар ёшларга 10 сотихдан ер ажратиб берилди. Ҳозирда улар деҳқончилик билан банд.

Ҳумоюн Макашев спортга ошно, ҳарбийликка қизиқувчи йигит. Йигитлик бурчини ўташни ўз вазифаси, деб билади. У айни шу масалада депутатга мурожаат қилди. Масала ўрганилиб, унинг ҳарбий хизмат қилиши учун тўлов амалга оширилди. Шоҳруҳ Зулунов илм йўлини танлади. Бироқ оилавий шароити сабаб олийгоҳда ўқиш учун тўлов уни қийнаётганиди. Халқ вакилининг аралашуви билан бу муаммо ҳам ҳал қилинди.



Фуқаро Мўътабар Зокирова турмушидан ажрагач, уй муаммоси юзга келди. Фарзанди билан қаерда яшайди? Унинг мурожаати атрофида ўрганилди ва депутат ёрдами билан субсидия ажратилиб, фуқаро уйи бўлди.

Юқоридагилар, албатта, бир депутат фаолиятидан. Партияимиздан сайланган ҳар бир депутат фаолиятида ёшлар сиёсати кенг ўрин эгаллайди. Бунини уларга эргашиб, сафимизга қўшилиш истагида бўлганлар сони ошиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди.

150 нафар ёшлар бандлиги таъминланди

Халқ депутатлари Хива туман Кенгаши депутати Отахон Машарипов доим сайловчиларнинг дарду ташвишлари билан елиб-ноғуриб юради. Шу билан бирга, депутатимиз кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалардан мунтазам моддий ва маънавий кўмагини аямай келмоқда.

Шукурой МАДАМИНОВА,
Хива туман кенгаши раиси

О.Машарипов бошчилигида кам таъминланган оилалар учун қурилган имтиёзли уйларида умргузаронлик қилаётган онахон-отaxonлар депутатдан мамнун.

Депутат шу кунларда яна бир хайрли ишни амалга оширди. Унинг сазой-ҳаракати билан кам таъминланган оилалар учун навбатдаги янги бинонинг қурилиши бошлаб юборилди. Натижада "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар" рўйхатида турган ишсиз фуқаролардан 150 нафари "Чинобод қурилиш" хусусий корхонасига ишга қабул қилинди.

Эндиликда яна шунча ёшларимиз касб-корпи, жамиятда ўз ўринларига эга ҳамда моддий томондан азият чекмайдиган бўлишди.



Инсон қадрини учун

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган барча ислохотлар ҳар биримизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечиришимизни таъминлашга қаратилган.

Музаффар РАУПОВ, Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судьяси



ОИЛА ТИНЧЛИГИ — ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

Мақсуд моддани қуйидагича таҳрир қилиш тақлиф этилапти: "Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини, аҳолини сақлаб қолиш ҳамда кўпайтириш негизи сифатида жамият ва давлатнинг алоҳида муҳофазаси остида бўлади."

учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидир. Аналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

бўлган фуқароларимиз ҳаёт кечирмоқда. Сўнги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга тенг шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

"Адолат"да чоп этилгач...

МУЗ ЖОЙИДАН СИЛЖИДИ

Ҳурматли Бош муҳаррир! Бизнинг "Elegant" эксперт савдо масъулияти чекланган жамиятимиз узоқ йиллардан бери вилоятимиз деҳқонлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланиб келади.



ий-сиёсий газетаси таҳририятига чин юракдан миннатдорлик билдираман. Шу ўринда судлар ҳақида ҳам бир оғиз фикр билдириб ўтсам. Биз бошимизга тушган гағволар юзасидан Фарғона вилоят иқтисодий судига мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

Абдухалил МАМАТОВ, "Elegant" эксперт савдо МЧЖ таъсисчиси

Қонун барчага баробар

ҲОКИМЛАРНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС

МАЪМУРИЙ СУДЛАР БУНДАЙ ТЎХТАМГА КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ НИМАДА?

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашिलाётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Гулсун РАҲИМОВА, Тошкент вилоят маъмурий суди судьяси

Мақсуд кодекснинг 27-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра, маъмурий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

эмас, деб топилган қарорлардаги аниқланган қонунбузилишлар мунтазам тақрирланганининг гувоҳи бўлаёلمиз. Ушбу муаммо Тошкент вилояти мисолида таҳлил қилинганда, аксарият қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қарорларнинг ҳақиқий эмас, деб топилганлиги ҳолати юзасидан ҳусурий ажримлар чиқарилиб, вилоят ҳокимига юборилгани маълум бўлди.

Шу асосда эндиликда ер участкасини олиб қўйиш фақат судга даъво аризаси киритиш йўли билан амалга оширилади. Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шафқофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, 2021 йил 1 августдан бошлаб қонунчилик ҳужжатларида ушбу фармонда белгилангандан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар тўлиқ бекор қилинди.

устунлиги, бюрократик расмий-чиликка йўл қўйилмаслиги, маъмуран қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг "бир дарча" орқали амалга оширилиши, тенг ҳуқуқчилик, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг қонунийлиги, текшириш принциплари бузилган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик: - фермер хўжалиги раҳбари туман ҳокимиятининг фермер хўжалигининг ер майдонини туман захирасига қайтариб олиш ҳақидаги қароридан хабардор қилинмаганлиги ва унга қарордан нусха берилмаганлиги; - туман ҳокимлиги томонидан Ер кодекси, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун талабларига зид равишда қарор қабул қилиниши; - фермер хўжалигининг иш фаолияти ўрганилмаганлиги, унинг иш фаолиятини ўрганиш юзасидан тегишли ташкилотларнинг ҳулосалари мавжуд эмаслиги; - туман ҳокимлиги билан фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинмасдан туриб, ер участкаси туман захирасига қайтариб олинганлиги ҳолатлари аниқланган.

Департамент хабарлари

"Олғир" банклар

Бош прокуратура ҳузурдаги департамент органлари томонидан банкларнинг қонун-назорати тузилмалари билан ҳамкорлик доирасида пул маблағларининг талон-торож қилиниши бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ўз вақтида қонуний чоралар қўрилмоқда. Хусусан, департаментнинг Самарқанд шаҳар бўлими томонидан АТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят амалиёт бўлимининг мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда, ушбу амалиёт бўлими масъул шахслари кредит ва унга тенглаштирилган операциялар бўйича таъминотни танлаш ва қабул қилиш тўғрисидаги талабларга амал қилмаганликлари оқибатида "J.Ch." МЧЖга савдо ва айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган 1,8 млрд сўм кредит маблағлари мақсадсиз сарфланиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланган. Департаментнинг Сергели туман бўлими томонидан АТБ "InFinBank" Сергели филиалининг мурожаатига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда, фуқаро Х.П. ва бошқалар ўзaro тил бириктириб, ушбу банк филиалдан ажратилган 408,8 млн сўм кредит ҳисобидан харид қилинган 5 дона "NEXIA-3" русумли автомобилни сохта ҳужжатлар орқали гаровга қўйилиши таъминламасдан бошқа шахсларга сотиб юбориб, ушбу маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган. Шунингдек, департаментнинг Пайариқ туман бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда "P.I." МЧЖ иш бошқарувчиси М.Э. худудий тижорат банки филиалдан имтиёзли шартлар асосида 6 нафар фуқарога ажратилган 166,7 млн сўм кредит маблағи эвазига наслик чорва молини етказиб бермасдан, кредит маблағларини ўзлаштирилганлиги аниқланган. Мақсуд ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) ва 228-моддаси (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланклар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.



**Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

Абдулла ОРИПОВ

Она тили умуммиллат мулкидир, демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир.

Эркин ВОҲИДОВ



Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?

Абдулла ҚАҲҲОР

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта, Катта миллат Афандиси йўқдир ҳатто, Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда, Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм, Она тилим, кечир мени, она тилим.

Муҳаммад ЮСУФ

Мамлакатимизнинг қонун йўли билан муҳофаза қилинадиган мустақиллик рамзларидан бири — ўзбек тилида халқимизнинг менталитети, характери, анъаналари, урф-одатлари, кадриятлари акс этади. Ўзбек тилини миллий бойлигимиз сифатида асраш, уни келажақ авлодга бус-бутун етказиш аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади.

Акрам БЕГМАТОВ,
Ўзбекистон – Финляндия
педагогика институти ректори



ТИЛИМИЗ БОЙ ВА ЧИРОЙДИ. АММО...

Бугун тилимизга эътибор қандай, саводхонлигимиз қай даражада, аждодлардан мерос бу улғу бойликка эҳтиромимиз ифодаси қандай бўлмоқда?

Шухрат МАМАСОДИҚОВ,
Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги
7-умумтаълим мактаби директорининг
маънавий-марифий ишлар бўйича ўринбосари,
партия фаоли



АЖДОДЛАРДАН МЕРОС УЛУҒ ТИЛИМИЗ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал қилувчи босқичга кўтарилмоқда. Бу йўлда миллий ўзлгимиз, гуруҳ-иқтидоримиз тилсиз бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, беқиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади".

Мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқроқлиги ортиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланилган, хориждаги қатор тил билан даргоҳларда, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

"Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намойён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Мумтоз адабиётимиз намуналари, беш жиллик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳимларидан биридир. Ушбу луғат саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, сан-ноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шева-ларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган.

Ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган тадбирларда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олиниши анъанага айланган.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари бугунги кунда тилшуносларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, тилимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тармоғи, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ҳамда бошқа махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари ул-

канлигини кўрсатмоқда.

Тилимизни эъзозлаш, ёш авлодига она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактабидир. Бунга улғу мутафаккир Алишер Навоий ижоди яққол мисол бўла олади. Буюк шоир нафис шеърияти орқали тилимизнинг беқиёс гўзаллигини ҳамда бой имкониятларини намойён этган. "Муҳокамат ул-луғатайн" асари Алишер Навоийнинг нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки ўзбек адабий тилининг тарғиботчиси ва фидойиси эканидан далолат беради.

Бугунги кунда миллий кадриятимиз – тилимизнинг мулоқот доираси кенгайиб бормоқда. Ўзгина ҳарбий соҳани олиб қарайдиган бўлса, тубдан тақомиллашиб, маънавий жиҳатдан ҳам юқори даражага кўтарилганига гувоҳ бўлаемиз. Ҳарбий қисмларда шахдам қадамлар ташлаб, она тилимизда кўшиқ қуйлаётган аскарларни кўриб, ўзбек тилида жаранг-лаётган саф қўшиқларини эшитиб, беихтиёр кувониб кетамиз.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёнинг баъзи халқлари ўз она тилидан мосуво бўлиб, тарихи ва келажагидан узилиб қолаётгани кўпчиликка маълум. Қайси халқнинг тили таназулга юз тутса, ўша халқнинг иқтисоди муқаррардир. Шунинг учун ўз қадрини билган миллат она тилини ўзини асрагандай асрайди, унинг тараққиёти, тақдири учун муттасил курашади.

Бундан неча асрлар муқаддам буюк тилшунос олим – Маҳмуд Қошғарий она тилимизнинг араб тили билан тенг пойга қилаётганидан фахрланган эди. Она тилимиз ўша даврда ана шундай юксак мавқега эга бўлиши учун яна шунча йўл – тақомил босқичини ўтаган бўлиши шубҳасиз. Миллатни миллат қилувчи, унинг буюк тамаддунга, тарихга дахлдорлигини англатиб, кишилар

қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотувчи ҳам, авлодлар ва аждодлар зиммасидаги олий бурчини эслатиб турувчи ҳам она тилимиздир. Шундай экан, ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилингани халқимизнинг дунё халқлари орасида ўз ўрнини топганининг нишонасидир.

Мамлакатимизда яшовчи фуқароларга таълим олиш, тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилган, ушбу ҳуқуқларни рўйга чиқариш мақсадида давлат тили ва бошқа тилларда умумий ва олий маълумот олиш кафолатланган. Мамлакатимизда мактаб таълими 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилаётган.

Олий ўқув юрғларидан айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилишининг ташкил этилиши, чет эл олий ўқув юрғлари филиалларининг юртимизда фаолият юритишига шароитлар ярати берилиши, битирув-малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертацияларини давлат тилида ёзиш бўйича қўллаб-қувватлашга қилиши мумкинлиги чет тилларнинг мамлакатимизда кенг қўлланилишини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Институтимизда ҳам бу борада бир қатор ишлар йўлга қўйилган. Барча талабаларга "Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши", "Давлат тилида иш юритиш" каби фанлар ўтиляпти, шунингдек, ўзга тилли гуруҳларда "Ўзбек тили" фанидан машғулотлар олиб борилади. Бундан ташқари, хорижий тиллар ва гуманитар фанлар факультетининг "Ўзбек тили ва адабиёти, ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси мавзуб бўлиб, ушбу кафедрани 19 нафар иккинчи курс магистрантлари "Ўзбек тили ва адабиёти" мутахассислиги бўйича тахсил олишмоқда.

Тўғри, тилимизга давлат тили мақоми берилган кун байрам сифатида нишонланади. Аммо тилни тўлақонли қўллаш борасида муаммолар юзага келаётгани ҳам сир эмас. Булар кўпроқ давлат тилини амалиётда ишлатиш, ёшларга таълим бериш, тил ва алифбо, умумий саводхонлик масалаларида яққол кўзга ташланмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ёзувдан тортиб қонун-қоидалар, номлардан тортиб рекламалар, эълонларгача ўзбек тилида олиб борилиши керак. Қонунда шундай белгилаб қўйилган. Лекин амалда-чи? Амалда шаҳарлар, вилоятлар, туманлар, қишлоқлардаги давлат корхоналаридан бошқа аксарият ташкилотлар, муассасалар, дўконлар, ошхоналар, дорихоналар номлари рус, инглиз, француз, немис ва яна аллақандай тилларда ёзиб қўйилганига гувоҳ бўлаемиз. Реклама ва эълонларнинг эса деярли асосий қисми бошқа тилларда битилган. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар раҳбарлари, уларнинг маънавий масалалари билан шуғулланганидан ўринбосарлари, давлат тили бўйича маслаҳатчилари наҳотки бу ҳолатни, жараёни кўрмаётган, билмаётган бўлсалар?

Тилимиз билан боғлиқ яна бир муаммо – ёшларимизга давлат тилини ўқитиш билан боғлиқ. Қувончли томони шундаки, мамлакатимизда кейинги йилларда тил ва адабиётга, бадиий ижод йўналишига ихтисослашган мактаблар кўпайди. Шу йўналишларда олий ўқув юрғлари фаолият юритмоқда. Лекин ўрта умумтаълим мактабларида аҳвол қандай кечмоқда? Тўғри, мактабларда тил ўқитиш, унинг қондаларини болаларга аниқлаштириш осон иш эмас. Айниқса, ўзбек тили давлат тили сифатида қабул қилинганидан кейин уни мактабларда ўқитишга алоҳида эътибор бериш керак эди. Афсуски, мактабларда тил ўқитиш дарслари олдинги даврларга нисбатан олганда камайса қамайдики, кўпаймади. Яна бир масала, мактабларда ўқувчиларнинг ёзиш услуби ва оғзаки нутқини шакллантиришга, ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Чунки болаларимизнинг оғзаки нутқи ҳам, ёзув услуби ҳам талабга жавоб бермайди. Ёзувда ҳам имловий, ҳам услубий хатоаларнинг кўпчилигидан кўнгилмиз ғаш тортади. Шунинг

учун бу йўналишда мактабларда ўқитишни тубдан яхшилаш керак. Шу билан бирга мактабларда, олий ўқув юрғларида ўзбек тили ва адабиётидан ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзда давлат имтиҳонларини жорий қилиш керак.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хорижий тилларга ихтисослашган махсус мактаблар пайдо бўлди. Президент мактабларида ҳам чет тиллар мукамал ўқитилмоқда. Тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, бундай мактаблар ўқувчилари ҳам хорижий тилларни, ҳам бошқа фанларни яхши ўзлаштирмоқда. Демак, таълимда яхши услубларни қўллаб, ҳар қандай мураккаб тилни ҳам болаларимизга ўргатиш мумкин экан. Хўш, у ҳолда нега ўзбек тилини, давлат тилини ўқувчиларимизга ўргатишда бошқа тилларни ўргатишдаги каби илғор услубларни, усулларни қўлламаямиз?! Ахир ҳар бир мамлакатда, халқда тил ўргатиш, энг аввало, миллат тилидан, давлат тилидан бошланиши керак эмасми?

Тил миллатнинг руҳи, жони, шаъни, унинг борлиги ва бойлигини намойён қилувчи восита. Шундай экан, тилимизнинг қудратини, шаънини оширишимиз, унга эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз керак. Уни янада ривожлантириш, юксалтириш учун интилишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилини, давлат тилини эъзозлаш, қадрини юксалтириш ҳар биримизнинг виждон ишимизга, ҳаётимиз аъмолига айланиши шарт.

Она тили бор экан, миллат барҳаёт

Наргиза ШАРИПОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Мен ёшлар номидан тилимиз ҳақида икки оғиз фикр айтмоқчиман: Ўзбекистонда яшаб туриб, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла туриб, ўзбек тилини билмайдиган юртдошларимиз ҳам бор. Ҳаттоки, давлат хизматчилари орасида ҳам бундайлар учрайди. Бу ҳам она тилимизнинг нуфузини туширувчи ҳолатлардан биридир.

Яқинда Болтиқбўйи мамлакатларидан бири бўлган Латвия давлати ҳақидаги бир қизиқарли мақолани ўқиб қолдим. Унга кўра, Латвияда давлат тилини билмаган оддий фуқаролар ҳам жарамага тортилган экан. У ерда давлат тилини билмаган инсоннинг ишлаши, тўловларни тўлаши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши имконсиз экан. Шунинг ҳисобига Латвия аҳолиси орасида давлат тилини билмайдиганлар аниқ тўрт фоизни ташкил этар экан. Украинада "Украин тилининг давлат тили сифатида ишлашнинг таъминлаш тўғрисида"ги қонунга кўра, давлат тилида хизмат кўрсатишдан бош торган ходимлар жавобгарликка тортилди. Бу ҳам она тилимизни ҳимоя қилишимиз, нуфузини оширишимиз учун мана шундай муҳимни яратилиши лозим. Қачонки давлат тилини билшига талаб ортиб, шунда фуқароларда унга нисбатан масъулият уйғонади.

Қолаверса, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ўзининг бир асарига ёзган сўзбошисидан: "Мен яқинда нашрдан чиққан бир китобимни ўзим ўқиб кўрганда, ундаги хатоларни кўриб, тўғриси, муҳлисларимнинг олдида жудаям хижолат бўлганман. Бу китобларнинг фақат сонига эътибор қаратилганини, сифатига эса, умуман аҳамият берилмаётганидан далолат беради. Ушбу ҳолатда китобхонлар китоб муаллифини сабабчи, деб ўйлайди. Лекин, аслида, ушбу муаммо муҳаррирнинг саводсизлиги ва эътиборсизлиги ва эътиборсизлиги сабаб юзага келади", – дея ушбу вазиятга муносабат билдирган эди. Назаримда, устоз адибнинг ушбу битикларидан ҳар биримиз ўзимизга керакли хулосани чиқариб олишимиз зарур ва шарт.

Муносабат



УСТОЗГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Юртимиз ижтимоий тармоқларида ўқувчи ўқитувчини дўппослагани акс этган видеоларга тарқалди. Суриштирувларимиз натижасида маълум бўлдики, турли баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган ушбу воқеа Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги 29-умумтаълим мактабида рўй берган. «Баҳористон» маҳалласида жойлашган мазкур мактабда 46 педагог 744 ўқувчига таълим-тарбия беради.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби

– Раҳбар этиб тайинланганимга саккиз ой бўлди, – дейди мактаб директори Абдусами Раҳимбоев. – Ўзим жисмоний тарбия ўқитувчисиман. Мактабимизда содир бўлган нохуш ҳодиса ҳаммамизга қаттиқ таъсир қилди. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаликка ҳаракат қиламиз.

Воқеа тафсилотлари очиқланганида, тасвирда акс этган жанжал дарс вақтида ўқувчи ўз мобил телефонидан фойдаланиб, синфдошлари фикрини чалғитиши билан бирга, ўқитувчининг машғулот ўтказишга ҳалал бериши натижасида содир бўлгани маълум бўлди.

Физика ўқитувчиси тартиббузарни бир неча маротаба тартибга қақирганига қарамай, «қулоқсиз» ўз билганидан қолмаган.

Охир-оқибат ўқитувчи ўқувчини мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳузурига олиб боришга мажбур бўлган ва мактаб маънавиятчисидан ўқувчига тарбиявий мавзуда суҳбат ўтказишни сўраб, ўзи дарсни давом эттириш учун синфхонасига қайтган.

Бироқ, бироздан сўнг тартиббузар яна физика хонасида пайдо бўлади ва устозга мушт ўқталиб, ҳужум қилади. Синфдаги бошқа ўқувчилар кўмаги билан жанжалга чек қўйилган.

Синф камерасига муҳрланган мазкур видео тасвирлар кимнингдир «ташаббуси» билан ижтимоий тармоқларга чиқиб кетган. Оқибатда, то расмий ташкилотлар муносабат билдиргунга қадар, юз берган жанжал борасида турли-туман гап-сўзлар авж олган.

Косонсой тумани ҳокимлигидан хабар беришларича, мазкур воқеа Ички ишлар ва халқ таълими бўлими ходимлари томонидан ўрганилган. Тартиббузар вояга етмаганлиги боис унинг ота-онаси Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддаси

1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

7 октябрда мактабда содир этилган нохуш ҳолат юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда туман ҳокимининг ўринбосари, халқ таълими бўлими, ИИБ вакиллари, «Баҳористон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар қатнашдилар. Юз берган нохуш ҳодиса таълим-тарбияда йўл қўйилган камчиликларнинг оқибати эканлиги таъкидланди. Шунинг учун педагоглар ва ота-оналар масъулиятини ошириш, «Мактаб-маҳалла-ойла» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан тadbирлар белгиланди.

Бу, яхши, албатта. Аммо шунга ўхшаш воқеа бошқа мактабларда такрорланмаслигига ким кафолат беради? Демак, Халқ таълими вазирлигидан ҳам воқеага муносабат билдириш, қолаверса, педагогик жамоаларнинг масъулиятини ошириш, ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриш талаб этилади.

ТАХРИРИЯТДАН:

ОТАНГГА ТИК БОҚМА. УСТОЗИНГГА-КУ, ИНЧУНИН...

Одатда, отага қўл кўтарган фарзанд “оқпадар” дейиларди.

Устозига қўл кўтаргани-чи, бундай тубан “шоғирд”ни ким деб аташ керак? Ахир устоз отадек улуг, баъзи ҳикматларга кўра эса, отадан ҳам улуг эмасми? Демак, отадан ҳам улуг Устозга қўл кўтарган кас камида икки карра оқпадар экан-да!..

Нақадар кўнгулчан халқимиз. Наманганда ўқувчи ўқитувчига қўл кўтарди! Устозига! Биз эса... “Синф камерасига муҳрланган мазкур видео тасвирлар кимнингдир «ташаббуси» билан ижтимоий тармоқларга чиқиб кетганидан» ёзганимиз. Шундай «ташаббус» қилганларга раҳмат-ей! Бу видео тасвирни кенга ёйган ижтимоий тармоқларга икки карра балли-ей. Зеро, ақс ҳолда ўтираверардик бундай қабилхандан беҳабар ҳолда, ойни этак билан ёпи-иб. Ёпғилқ қозон ёпғилқича қолаверарди. Нарг борса ҳа, маънавияти паст

бир ўқувчи синфда безорилик қилибди, деган хабарни чала-чулпа эшитиб қолардик. Табиийки, мазкур мактабнинг директор жаноблари “Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаликка ҳаракат қиламиз”, дея қисир ваъда ҳам бериб кўярди. Буни қаранг-а, ҳаракат қилармишлар! Сиз ахир директорсиз! Шу жамоанинг раҳбарисиз, ҳурматли жисмоний тарбия ўқитувчиси! Ўз ходимингизни, жамоангиз аъзосини, ўқитувчини бир мишиқи боладан (тўғрироғи, болалардан, видео тасвирни кўрдик ахир) ҳимоя қилолмасангиз, нима қилиб ўтирибсиз директорлик курсисидан? Ўқитувчингизга қўл кўтарилди-ку! Куппа-кундузи, дарс пайтида-я! Ҳеч кимнинг бузишга ҳаққи йўқ, муқаддас саналайдиган дарс пайтида-я! Жар солмайсизми, дод демайсизми, “SOS!” деб бақирмайсизми, ҳеч бўлмаса амалдаги қонунлар талабларига қатъий амал қилган ҳолда бир муштумзўр болакайни тавбасига таянтира олмайсизми? Чақирмайсизми участка инспекторини, тиббий экспертизани! Нуқул “вояга етмаган бола... бола” дейсиз. Боладан бало чиқса-чи? Ўзингиз бунга шохид бўлиб турибсиз-ку. Ахир эскидан қолган гап бор, ярани кесиб даволайдилар, акс ҳолда яра ўрнини мадда босиб кетади.

Ахир, биродарлар, ёмон иллат юкумли бўлади. Бирники ўнга, ўнники туманга... Буғун сувдан қуруқ чиққан “қахрамонча” ортидан лак-лак “тақлидчи қахрамончалар” чиқиб келмайди, деб ким кафолат бера олади? Ё ўшандаям педагогик жамоаларнинг масъу-

лиятини ошириб, ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриб юраверасизларми?..

Чоралар... Тadbирлар... Ҳа, ана, нари борса бола ёки унинг ота-онаси узр сўрар. Бу ишни қойшлатамиз-ку. Шу билан... бўлдим? Кейинги фавқулодда ҳодисага қадар “Бағдодда ҳамма ёқ тинч” бўлаверди-да, а?..

Ҳаммамизни ҳам ўқитувчи ўқитган. Ҳаммамизга ҳам Устозлар таълим берган. Ҳазрат Навоий ҳикмати уни ўқийлик ва ўқайлик ахир:

“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”.

Ўқитувчи-устозларни бугун ҳимоя қилайлик. Астойдил ҳимоя қилайлик. Орўсини тўкмайлик, аксинча, кўтарайлик. Осмон қадар. Шу бундан, шу лаҳзадан. Ақс ҳолда кеч бўлади...

Ҳикмат

НАҲОТКИ МЕН ҚАРОҚЧИМАН...

Суданлик дўстларимдан бири ажойиб бир мақола ёзди. Сарлавҳаси “Наҳотки мен қароқчиман”.

Мақолада у ўзи билан содир бўлган иккита воқеани келтиради.

Биринчиси:

“Ирландияда тиббиётдан имтиҳонларим бор эди. Имтиҳоннинг тўлови 309 фунт эди. Менда майда пул йўқ эди. Шу сабаб 310 фунт бердим. Муҳими, имтиҳонни топширдим. Имтиҳонлар тугаган Суданга қайтдим. Сал ўтиб Ирландиядан хат келди. Унда шундай ёзилган эди: “Сиз имтиҳон тўловини тўлашда хато қилибсиз. Тўлов 309 фунт эди. Сиз 310 фунт тўлабсиз. Сизга бир фунтлик чек юбордик. Биз ўз ҳақимиздан ортингни олмаймиз”.

Қизиги, мактуб билан марканинг нархи бир фунтдан қимматроқ эди”.

Иккинчиси:

Мен факультетга қатнар эдим. Уйим билан факультет орасида бир аёл у-бу нарса сотар эди. Мен ундан 18 пенсга какао сотиб олар эдим.

Бир кун у ердан ўтаётсам дўконнинг бошқа тоқчасида айнан ўшандай какаонинг нархи 20 пенс ёзилган ҳолда турибди.

Мен таажубланиб сўрадим:

– Нега биринчи тоқчада какаонинг нархи 18 пенс, иккинчи тоқчада эса 20 пенс?

У деди:

– Яқинда бизга какаони экспорт қилаётган давлат Нигерияда мушкулотлар юзага келиб, нархлар кўтарилди. Бу тоқчадаги кейин келган юқдан. Шунинг учун қиммат. Мана буниси эса олдингидан. Шунинг учун у арзон.

Мен:

– Ундай бўлса кишилар олдин арзонини олишади. У тугаса кейин қимматини олишади. Токи арзони тугамас экан, қимматни ҳеч ким олмайди-ку, – дедим.

У:

– Ҳа, буни биламан, – деди.

Мен:

– Шундай экан, уларни аралаштириб, арзонларини ҳам 20 пенсдан сотсангиз бўлмайди? Буни ҳеч ким билмайди-ку! – дедим.

Шунда у қулоғима:

– Сен қароқчимсан? – деди.


Унинг гапи ҳалигача қулоғим остида жаранглайди. Бу қанақа ахлоқ?! Биз қачон бунга даражага кўтарилганми?!

Биз-чи?..

(Фейсбукдан олинди)

Ибрат

ШҲКРОНА АЙТ...



Доктор Солиҳ Салмон айтмади:

“Оёқлари тугма шол, 23 йил ногиронлар аравачасида юрган бир йиғит қабулимга келди.

Орқасига йирингли яра тошган экан.

Яраларига иена ёрдамида дори кўйдим, бир тарафдан эса кесиб йирингини тозалайман.

Ўзимча бу ёш йиғитни даъват қилгим келди.

Жуда ҳам ҳушчақчақ йиғит эди.

Ҳеч сиқилиш, аламзадалик, ҳолидан шикоят йўқ.

– Сен тугма шолмисан? – дедим.

– Ҳа, – деди у.

– Демак ҳеч юрмадинг, югурмадинг, ўйнай олмадинг, шундайми? – дедим.

Йиғит саволимни эшитмаганга олди.

Мен бўш келмадим. Бу сафар мўлжални аниқ олдим.

– Ҳамма арзиммаган нарсаларда ҳам қаттиқ асабийлашади, масалан, телефоним эски, бузиқ дейди. Эрим билан тортишдик, дейди. Хотиним арзайавиради, дейди. Нархлар қиммат, дейди. Болам йиғлоқи, дейди. Пулим йўқ, дейди. Ишларин юришмаяпти, дейди. Бўлар-бўлмас нарсаларни дард ҳисоблайди. Сен эса шунча дардин билан ҳеч нарса демаяпсан...

Ғалимни тугатмасидан йиғит:

– Мен кетишни хоҳлайман, дори кўйишни тўхтатинг, – дея хонамдан чиқиб кета бошлади.

Мен бунинг сабабини сўрадим.

Шунда йиғит мени йиқитган жавобни берди:

– Сен Роббим билан орамни бузишга ҳаракат қилаяпсан. Мени бутун неъматларга кўман Роббим фақатгина оёқлар бермади. Ва бу билан мени имтиҳон қилаяпти. Мен ақлимни таниган куним Роббимга сўз берганиман. Роббимдан ҳеч кимга шикоят қилмайман. Сабрим эвазига жаннатини берадиган Зотдан сенга ҳам шикоят қилмайман...

Беш мингта жарроҳлик амалиёти ўтказдим. Бирор марта пичоқ ёки қайчим кўлимдан тушиб кетмади. Аммо бу йиғитнинг гапидан сўнг кўлимдаги асбоблар ер билан битта бўлди.

Биринчи марта касал эмас, ҳаяжондан мен титраётган эдим.

Бу сафар ёрдамга муҳтож касал мен эдим.

Шундан кейин қачон дунё ташвишлари маҳзун қилса, сиқилсам, асабларим ўзимга бўйсунмаса шундай дейман: “Тугма шол, ўша ҳолида ҳам шикоят қилмайдиган йиғит эсингдами? Ана унда сен ҳам дардлар, синовлар эвазига жаннатни берадиган жаннат эгасидан шикоятчи бўлма!”

Ўшанда менинг кўзимга бечора кўринган, насиҳат қиламан, Аллоҳни эслатаман деб бел боғлаган касалимдан бир умрлик насиҳатни, унутилмас дарсни олганман.

Аслида бечора ўзим эканман...

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош мухаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-14 (144);
Қабулхона — 71 288-42-12 (132);
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Котибият —
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Мамасодиқов
Навбатчи мухаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Адади — 1309
Босингга топширилган вақти — 21.00
Босингга топширилди — 21.00
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.